

“ТАШВИШ” СИГНАЛИГА ТЕХНИК ҚЎРИҚЛАШ ПУНКТИ (ТҚМ) ОРҚАЛИ ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ БЎЙИЧА

ШАРТНОМА № 40

05.01 2022 йил

Андижон шаҳар

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Андижон вилоят Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи М.Б.Уринбоев, Низом асосида фаолият юритувчи бундан кейин бир томондан “Қўриқлаш” деб номланади, иккинчи томондан “Андижон санъат ихтисослаштирилган” мактаби директори Э.Мамасолиев бундан кейин “Буюртмачи” деб номланиб, мазкур шартномани тузадилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

“Қўриқлаш” ўз зиммасига Андижон шаҳар М.Тикланиш кўчаси 9-уй манзилда жойлашган “Андижон санъат ихтисослаштирилган” мактабига ўрнатилган “1” та калит “6” соатли “09:00” дан “15:00” гача (якшанба дам олиш куни билан) ташвиш тугма ёрдамида ўрнатилган ташвиш-сигнализацияси ҳолатини телефон ёки радиоалоқадан фойдаланиб назорат қилиш мажбуриятини, шунингдек “Объект”нинг ТҚМ назорати даврида у ерга кирган бегона шахсларни қўлга тушириш учун объектдан ташвиш-сигнали берилганда, қўриқлаш нарядининг тезлик билан етиб келишини назорат қилиш мажбуриятини олади.

2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

- 2.1.1. “Қўриқлаш” тавсиясига биноан ташвиш-сигнализацияси ўрнатиладиган жойларни аниқлайди.
- 2.1.2. Бегона шахсларга ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш ва “Объект”га белгиланмаган шартли рақам ҳақида маълумот бермайди.
- 2.1.3. Ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилади ва унинг схемасига ўзгартириш киритмайди. Унинг носозлиги ҳақида ўз вақтида “Қўриқлаш”га хабар беради.
- 2.1.4. Қунига камида бир марта ташвиш-сигнализацияси ишлашини синаш учун “Ташвиш” сигналинини бериб, синаб кўради. Бунда телефон орқали “Қўриқлаш” олдиндан огоҳлантирилади.
- 2.1.5. Ташвиш-сигнализацияси уланган телефон алоқаси ва электр таъминоти тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чора-тадбирларини кўради.
- 2.1.6. “Қўриқлаш” га белгиланган тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида қуйидаги тўловларни амалга оширади:
 - “Буюртмачи” айби билан ишдан чиққан ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини таъмири учун;
 - Фойдаланиш муддати 5 йилдан ошган ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини капитал ремонт қилиш учун ташвиш-сигнализацияси фойдаланиш муддати тугаган ёки уни модернизация қилиш учун мавжуд аппаратура ўрнига алмаштириш учун;
 - “Буюртмачи” айби билан сохта чакирувларга ТҚМ нарядининг ҳар бир келиши учун ойлик тўловининг 1 % миқдорида (тўлов миқдори ТҚМ дан буюртмага объектга масофа учун фойдаланилган транспорт ва ёкилги ҳисобидан аниқланади).

2.2. “Қўриқлаш”нинг мажбуриятлари

- 2.2.1. “Объект”ни “Буюртмачи” ўз маблағлари ҳисобига “Қўриқлаш”га тегишли “Ташвиш” сигнализацияси аппаратлари билан жиҳозлайди. Ўз ҳисобидан ташвиш-сигнализацияси воситаларини техник хизмати ва таъмирлашни амалга оширади, бундан “Буюртмачи” айби билан вужудга келган носозликлар мустасно.
- 2.2.2. Белгиланган тартибда “Объект”ни назорат қилиш учун қабул қилади ва “Ташвиш” сигнали берилганда 5 дақиқа ичида ТҚМ наряди етиб келишини таъминлайди.
- 2.2.3. “Буюртмачи”ни “Ташвиш” сигнализациясидан фойдаланишга ўргатади ва уларга йўриқнома беради.
- 2.2.4. Ҳар бир сохта ташвиш сигнали ишлагани учун далолатнома тузилиб, 1 нусхаси “Буюртмачи”га берилади.
- 2.2.5. “Ташвиш” сигнализацияси аппаратурасидан фойдаланиш 5 йил муддатидан ошса, капитал таъмирлашни амалга оширади.
- 2.2.6. “Буюртмачини”ни “Қўриқлаш” хизмати учун тўлов таърифлари ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилади.

2.2.7. Қуйидаги ҳолатларда шартноманинг амал қилинишини тўхтадади ёки бир томонлама бекор қилади:

- а) “Буюртмачи” хизматлар учун тўловдан камида 2 ойлик қарздор бўлса;
- б) “Қўриқлаш” мажбуриятларини бажариш учун тўскинлик қилувчи техник сабаблар (объектга ўрнатилган телефон номери ўзгарган бўлса, тармок 2 ёқлама схемага ўтказилса, телефон ўчириб қўйилса, марказлашган қўриқлаш пункти тугатилса) пайдо бўлганда;
- в) “Қўриқлаш”га “Буюртмачи” ўзгарганлиги хақида хабардор этилмаган бўлса;
- г) Мазкур шартноманинг 2.1.2., 2.1.3., 2.1.4., 2.1.6. бандларида кўзда тутилган коидалар бузилган бўлса.

2.2.8. Агар техник воситалар билан амалга оширишга тўскинлик қилувчи сабаблар (телефон ўзгарилган бўлса, телефон аппарати носозлиги, электр энергиясининг тўхтатилганлиги, марказий назорат пулларининг алмаштирилиши ёки қайта дислокация қилиниши) пайдо бўлса, “Объект”ни назорат учун қабул қилмайди, бу хақида “Буюртмачи”ни телефон орқали хабардор қилади.

3. ХИЗМАТ КўРСАТИШ НАРХЛАРИ, ХИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартнома асосида “Буюртмачи” “Қўриқлаш”га кўрсатилган хизматлар учун смета ҳисоб-китобига мувофиқ “Объект”нинг назорат остида бўлиши соатбай қиймати ҳисобидан бир ойига 487968 (Тўрт юз саксон етти минг тўққиз юз олтинчи саккиз) сўм, чорак учун 1463904 (Бир миллион тўрт юз олтинчи уч минг тўққиз юз тўрт) сўмни,

_____ ташкил қилади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган смета-ҳисоб билан белгиланади. Қўриқлаш хизматининг нархлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазири билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Қўмондони томонидан тасдиқланган “ТАРИФ”лар асосида Қўриқлаш хизмати учун тарифлар қайта кўриб чиқилади.

3.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов “Буюртмачи” томонидан ҳар ойда кейинги ойнинг 5-санасига қадар смета ҳисоб-китоби ва “Қўриқлаш”нинг мазкур шартномага мувофиқ 1 ойда амалга оширилган соатбай хизматлар ҳисоби асосида амалга оширилади.

3.3. “Қўриқлаш”нинг хизмат кўрсатиш нархлари энг кам иш хақи ўзгарганда, энергия ташувчилар, аппаратура, автотранспорт, алоқа хизматлари нархлари ўзгарганда янги тарифлар киритилиши сабабли қайтадан кўриб чиқилади.

3.4. “Қўриқлаш” томонидан кўрсатилган қўшимча хизматлар учун ва жарима тўловлари “Буюртмачи” томонидан “Қўриқлаш” ҳисобини ёки хабарномани тақдим этганидан 10 кун ичида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.5. Мазкур шартнома бўйича юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар, томонларнинг келишуви орқали ҳал этилади, уларни ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда ҳудудий иқтисодий судлари орқали кўриш учун берилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. “Буюртмачи”нинг жавобгарлиги.

4.1.1. Мазкур шартнома бўйича хизматлар учун тўловлар кечиктирилса, кечиктирилган ҳар 1 кун “Қўриқлаш”га шартнома нархининг 0,4% миқдорида умумий жарима миқдори кечиктирилганда сўмнинг 50% дан ошмаган ҳолда жарима тўлайди.

4.1.2. Мазкур шартнома бўйича хизматлар хақини асосланмаган ҳолда тўлашдан бош тортса тўлов миқдорининг 15% миқдорида қўшимча жарима тўлайди.

4.2. “Қўриқлаш”нинг жавобгарлиги.

4.2.1. “Қўриқлаш” қўриқлаш вақидан ташқари объектда бегона шахслар томонидан зарар келтирилса, моддий жавобгар ҳисобланмайди.

4.2.2. “Буюртмачи”га, ташвиш-сигнали берилганда ТҚМ наряди етиб боришлиги таъминланади.

5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, фавқулодда ҳолатларда, томонлар ўз имкониятлари ва қучлари билан назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатларда шартнома шартларини тшла ёки қисман бажармаслиги тарафларни жавобгарликдан озод қилади.

5.2. Куч билан енгиб бўлмайдиган ҳолатлар-сув тошқини, zilzila, ёнгин каби табиий офатлар, ҳукумат қарорлари, давлат органлари фармойишлари, турли характердаги харбий ҳаракатлар-шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ҳисобланади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлар олувчилари бўйича белгиланган тартибда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб **2022-йилнинг 31-декабрь** куни охиригача

6.2. Шартномани бекор қилиш тўғрисида манфаатдор томон, иккинчи томонни бекор қилинадиган муддатдан 30 кун олдин хабардор этишга мажбур.

6.3. Агар шартнома тузган томонлар белгиланган муддатда шартномани бекор қилиш тўғрисида маълум қилмаса, шартнома автоматик тарзда худди шу муддатга, аввалги шартнома бўйича узайтирилган деб ҳисобланади.

7. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва банк реквизитлари:

“ҚЎРИҚЛАШ”
Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Андижон вилояти
Қўриқлаш бошқармаси

Юридик манзили: Андижон шаҳар
М.Тикланиш кўчаси 26-уй

Банк реквизитлари: 21596000900278042001

МФО: 00016

СТИР: 200237592

ХХТУТ: _____

Марказий банк ХККМ

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Андижон вилояти
Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи
А.Қўриқбоев

20



“ХЎЖАЛИК ИДОРАСИ”
“Андижон санъат ихтисослаштирилган”
мактаби

Юридик манзили: *Андижон шаҳар
Мелисси тасмакшиев 9-уй.*

Банк реквизитлари:

Х/р: *100021860034017092100056001*

МФО: *00014*

СТИР: *200237316*

ХХТУТ: _____

“Андижон санъат ихтисослаш-тирилган”
мактаби директори

Э.Мамасолиев

20 *22* йил *05* ой *01*



1-ТҲ

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси
Андижон вилояти Қўриқлаш бошқармаси
бошлиги



М.Б. Ҳриббоев
2022 йил

“ТАСДИКЛАЙМАН”

“Андижон вилояти Қўриқлаш бошқармаси
Мамасолиев



01 2022 йил

229

“Андижон санъат ихтисослаштирилган” мактабни
Қўриқлаш бошқармаси

СМЕТА-ҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Қўриқлаш бўлими 1-ТҚМ орқали қўриқлаш бўйича

№	Объект номи	Объект манзили, телефон рақами	Хизмат тури ва ТҚМ номери	Тоифа тури	Қўриқлаш объект сони	Қўриқлаш вақти (сана)				олинган қўриқлаш соти	Қўриқлаш нархи (сўм)		
						Иш кунлари	Вақрам олган кунлари	Вақрам олган ва кунлари	Давомини ва кунлари		Бир сот учун	Бир ой учун	Шартли бепул
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
1	“Андижон санъат ихтисослаштирилган” мактаби шартли бепул	Андижон шаҳар М.Гулишанин кўчаси 9-уй	1-ТҚМ	Ташвиш тўлими	1	09-15	09-15	-	156	3128	487 968,00		
Жами қалыг сони:										487 968,00			
Жами:										487 968,00			
Жами бир ойлик учун тўлов:										487 968,00			
Тўрт юз саксон етти миң тўққиз юз олтимыш саккиз сўм 00 тийин													

Қўриқлаш бошқармаси
МИБ бошлиги

Н.А. Зулдунов